



O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ
VATAN —
BARHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 13-iyul • Seshanba • 81 (31.201) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

БМТ тизимидаги ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари Қирғизистон жанубида июнь ойида рўй берган ва Ўзбекистоннинг шарқий ҳудудларига катта миқдордаги қочқинлар кириб келишига сабаб бўлган зўравонликлар оқибатида юзага келган гуманитар инқироз чоғидаги Ўзбекистоннинг гоят самарали сағй-ҳаракатларини юксак баҳолайди.

БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Сиз, Жаноби Олийларига ва Ўзбекистон ҳукумати БМТ агентликлари билан ўз вақтида яқин ва самарали ҳамкорлик учун чуқур миннатдорлик изҳор этади. Қирғизистонда ваҳшиёна хунрезликлар бошланиши билан Ўзбекистоннинг Қирғизистон билан чегарадош ҳудудларида ташкил этилган қочқинлар лагерларига ушбу агентликлар вакиллари кириб-чиқиши учун дарҳол имконият яратилди.

Ўзбекистон ҳукуматининг тақлифига биноан БМТнинг резидент-мувофиқлаштирувчиси, ЮНИСЕФ ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вакиллари қочқинлар лагерларида бўлиб, уларнинг аҳоли билан беvosита танишиди, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан кўрсатилган юксак олижаноблик ва амалга оширилган чора-тадбирлардан ҳайратга тушди.

Ўзбекистон ҳукумати билан маслаҳатлашувлардан кейин БМТ агентликлари, жумла-

дан, БМТнинг Қочқинлар ишлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, БМТнинг Болалар жамғармаси, БМТнинг Жаҳон озиқ-овқат дастури, БМТнинг Гуманитар масалаларни мувофиқлаштириш бошқармаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси каби тузилмалар қочқинлар лагерларига ўз ходимларини ва кўрпа-тўшак, озиқ-овқат, сув, санитария-гигиена воситалари, шунингдек, дастлабки тиббий ёрдам тўпламларидан иборат гуманитар ёрдамни юборди.

Июнь ойи охирида қочқинлар ўз мамлакатига қайтиб кетганидан кейин БМТнинг Ўзбекистонга келтирилган гуманитар ёрдами кўшни Қирғизистонга ўтказиб берилди. Шу муносабат билан бизнинг бу борадаги ишларимизга кўрсатган катта ёрдами учун Ўзбекистон ҳукуматига алоҳида миннатдорлик билдира-миз.

Умид қиламизки, ҳамкорлигимиз бундан буён ҳам давом этаверади. Биз қочқинлар билан боғлиқ масалаларни ҳал этишдаги ҳамкорлигимиз БМТ билан Ўзбекистон ҳукумати ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонамиз.

Жаноби Олийлари, БМТ тизимидаги ташкилотлар номидан Сизга бўлган энг юксак ҳурмат-эҳтиромларимизни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Анита НИРОДИ,

БМТ резидент-мувофиқлаштирувчиси

ҚВПларга аҳоли ишончи ортмоқда

ЎзХДП: электорат манфаати



Аҳолига тез ва малакали тиббий ёрдам кўрсатишда, профилактика тадбирлари самарадорлигини оширишда бирламчи тиббий муассасаларнинг ўрни беқийёс. Фарғона вилоятида ҳам мазкур муассасалар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини ошириш йўлида қатор ишлар олиб борилаётир.

— Шаҳар ва туманлари-мизда 6 минг нафардан зиёд малакали шифокор ва қарийб 30 минг нафар ўрта тиббиёт ходими аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга ўз ҳиссасини қўшмоқда, — дейди Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Шавкатжон Ҳусанбоев. — Бугун олис қишлоқларимизда ҳам замонавий врачлик пунктлари қад ростлаб, аҳолининг юқори савиядаги тиббий хизматдан баҳраманд бўлаётгани мамлакатимизда инсон манфаатлари устуворлигидан далолат беради.

Ҳукуматимиз ва Осиё тараққиёт банки томонидан татбиқ этилаётган «Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси доирасида вилоятимиздаги барча туғуруқ мажмуалари реконструкция қилиниб, замонавий асосда жиҳозланди. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг вилоят филиалига ноёб тиббий ускуна — сунъий буйрак ўрнатиш ускунаси олиб келинди. Ушбу марказнинг шаҳар ва туманлардаги бўлимлари ультратовуш-таъхис жиҳозлари билан таъминланди. Вилоятимиздаги 293 қишлоқ врачлик пунктида тиббий хизмат кўрсатиш даражаси янада яхшиланди.

Бу эзгу сағй-ҳаракатлар самарасини вилоятимизда аҳолининг касалликка чалиниши 23 фоиз, турли касалликлар билан туғилган болалар сони 1,7 баробар камайганида ҳам яққол кўриш мумкин.

Муқимжон ҚОДИРОВ
(ЎзА) олган сурат.

Ёшлар тарбияси

ҳар биримиздан масъулият ва огоҳликни талаб этади

→ 2

Ишонч кўприклари

мустаҳкам бўлиши нималарга боғлиқ?

→ 3

«Irap Air»нинг Европа Иттифоқи ҳаво кенгликларига парвоз қилиши тақиқланди.

→ 3

Спорт мажмуалари

фаолияти самарадорлигини ошириш — муҳим вазифа

→ 4

Ўзбекистонга илк саёҳатим жуда замунли ўтмоқда. Самолётдан тушишим билан юртингизнинг илиқ тафти, халқингизнинг меҳмондўстлиги эътиборимни тортиди. Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива ҳақида кўп эшитганман, уларни ўз кўзим билан кўриш орзуним эди. Ниҳоят, орзуним ушлаганидан, Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларини, тарихий обидаларини ва меъморий ёдгорликларини зىёрат қилиш имкони туғилганидан жуда хурсандман».

Жузеппе МАРТИНИ (Италия)

■ Мустақилликка эришганимиздан сўнг муқаддас ва гўзал юртимиз заминидан ҳар томонлама озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишни ўз олдимиизга олий мақсад қилиб қўйдик. Бунда айнан «озод» ва «обод» деган тушунчаларга алоҳида эътибор берилгани бежиз эмас, албатта.

Нега деганда, озодлик ва ободлик халқимиз учун қадим замонлардан бошлаб ўзаро муштарак, энг азиз, энг эзгу қадрият бўлиб келади.

ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАДАН БОШЛАНАДИ

Шу ўринда бир ўйлаб кўрайлик: юрт ободлиги нимадан бошланади?

Аваламбор, шу юртининг эгаси бўлмиш халқимизнинг, шу заминда яшаётган ҳар қайси инсоннинг пок ниятлари ва мақсадларидан, лўнда қилиб айтганда, кўнгил ободлигидан бошланади.

Шу маънода, истиқлол йилларида мамлакатимизда мана шундай буюк ва олижаноб мақсадга эришиш йўлида олиб борилаётган улкан ишлар она диёримизни ҳар томонлама обод этиш, уни дунёга

танитишда ҳал қилувчи омил бўлмоқда, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Шу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий, ҳақиқатан ҳам юз йилларга тенг, Ватанимизни янада обод қилишга қаратилган ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида гапирар эканмиз, халқимиз буларнинг барчасининг асосини ва бунёдкори деб Президентимизни таърифлаши бежиз эмас.

→ 2

Офицерлик — шарафли касб

■ Кейинги йилларда мамлакатимизда замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган, юртимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолати бўлган Қуролли Кучларни мустаҳкамлаш, уни малакали кадрлар билан таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Миллий армиямизни офицер кадрлар билан таъминлаш вазифаси мамлакатимиздаги олий ҳарбий таълим даргоҳлари зиммасига юклатилган.

Куни кеча Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университети, Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти ва Самарқанд олий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юртидаги ҳарбий алоқачилар, разведкачи, радио алоқачи каби йўналишларда етуқ офицерлар тайёрлаб беради. — Аслида курсант бўлишни истасанлар шартларидан муваффақиятли ўтган ёшлар Давлат тест синовларини топширишлари.

— Мамлакатимизда офицерлик касбига қизиқиш йилдан-йилга ортиб бermoқда. Бу эса ўз навбатида ҳарбий таълим ўқитувчилари зимма-

сига катта масъулият юклайди, — дейди Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети қабул комиссияси масъул котиби, подполковник Саидхад Парсиев. — Факультетимиз Қуролли Кучларимиз сафига ҳарбий алоқачилар, ҳаво ҳужумидан ҳимоя, телекоммуникация тизимлари бўйича ҳарбий алоқачилар, разведкачи, радио алоқачи каби йўналишларда етуқ офицерлар тайёрлаб беради. — Аслида курсант бўлишни истасанлар шартларидан муваффақиятли ўтган ёшлар Давлат тест синовларига эга бўлади.

Абитуриент — 2010



Ундан муваффақиятли ўтганлар иккинчи босқичда вилоят мудофаа ишлари бошқармаларида сараланиб, марказий поликлиникаларда тиббий қўриқдан ўтказилади. Уз навбатида ўқув юртлари қабул комиссияларидаги кўрик-танловдан ўтганларгина Давлат тест синовларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Санам СОЙИББОВЕВА, Андижон вилояти, Булоқбоши тумани:

— Ўғлим Бехрузбек болалигидан ҳарбий бўлишни орзу қиларди. Шу боис уни Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги 2-сонли академик лицейга ўқишга бергандик. У лицейни аъло баҳоларга тамомлади. Бугун университетда тест имтиҳонини топширмоқда. Фар-

зандимни шу таълим даргоҳида тахсил олишдек бахтга мурасар бўлишини жуда-жуда истардим.

Эндигина имтиҳон топшириб чиқиб келаётган абитуриентлардан бири — **олмаликлик Ғулом Холматов** билан суҳбатлашдик.

— Имтиҳон топшираётган вақтимда жуда ҳаяжонландим. Яхши тайёргарлик кўрганым учун саволларга қийналмай жавоб топдим. Худо хоҳласа, курсант бўлишдек орзумимга яқин турибман.

Тест синовлари натижалари яқин кунларда эълон қилинади. Курсант бўлишга етарли балл тўплай олмаган ёшларимиз эса бошқа олий ўқув юртига ҳужжат топшириб, ўз билимларини яна бир бор синов кўриш имкониятига эгадир.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

ОБ-ҲАВО 13-14.07.2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	☀ 37°C	☀ 38°C
Самарқанд	☀ 38°C	☀ 39°C
Нукус	☀ 38°C	☀ 39°C
Қарши	☀ 41°C	☀ 42°C
Урганч	☀ 38°C	☀ 39°C
Навоий	☀ 40°C	☀ 41°C
Фарғона	☀ 38°C	☀ 39°C
Бухоро	☀ 40°C	☀ 41°C
Андижон	☀ 38°C	☀ 39°C
Наманган	☀ 38°C	☀ 39°C
Термиз	☀ 42°C	☀ 43°C
Жиззах	☀ 37°C	☀ 38°C
Сирдарё	☀ 37°C	☀ 38°C
Тошкент вил.	☀ 37°C	☀ 38°C
Лондон	☀ 23°C	☀ 25°C
Париж	☀ 22°C	☀ 24°C
Москва	☀ 28°C	☀ 29°C
Мадрид	☀ 29°C	☀ 31°C
Пекин	☀ 39°C	☀ 38°C
Гонгконг	☀ 38°C	☀ 41°C
Рим	☀ 27°C	☀ 28°C
Анкара	☀ 31°C	☀ 32°C
Токио	☀ 27°C	☀ 29°C
Стокгольм	☀ 25°C	☀ 26°C
Кейптаун	☀ 15°C	☀ 14°C
Қоҳира	☀ 27°C	☀ 24°C
Вашингтон	☀ 32°C	☀ 31°C
Гаванга	☀ 26°C	☀ 27°C

O'zbekiston havo yo'llari



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2010 YIL 13 IYULDAN BO'SHLAB ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1401,47	1 Миср фунти	281,00	1 СДР	2394,52	10 Жанубий Корея воени	13,37
1 Англия фунт стерлинги	2405,19	1 Канада доллари	1553,06	1 Туркия лираси	1032,50	10 Япония иенаси	179,70
1 БАА дирхами	435,79	1 Хитой юани	236,39	1 Швейцария франки	1516,85	1 Россия рубли	51,97
1 АҚШ доллари	1600,58	1 Малайзия рингити	500,65	1 Евро	2016,99	1 Украина гривнаси	202,46

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Дизайнер: А.И.И.И.И.

ҚУРИЛИШ ЛОЙИХАДАН БОШЛАНАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Хар сафар мамлакатимиз раҳбарининг улкан қурилиш майдонларидан бўлиши билан боғлиқ лавҳаларни телевидение орқали кузатар эканмиш, бу Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Нўхус, Хива, Термиз, Қарши, Шахрисабз, Андижон, Наманган, Марғилон, Кўқон ва бошқа бетакдор шаҳарларимизни оқибатдаги бўлашақ, Миллий боғ, Мустақиллик майдони, Ёшлар иқдод саройи, Тасвирий санъат галереяси, «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи сингари муҳташам қошоқларни бунёд қилиш бўлади...

ҳида таъкидлаш лозим. Шу борада мамлакатимиз раҳбарининг 2009 йил 21 январдаги қарорига биноан қишлоқ аҳоли пунктларини комплекс равишда қуриш ва шу негизда қишлоқларимизни қиёфасини тубдан ўзгартириш мақсадида «Қишлоққурилишлойиҳа» лойиҳа-қидирув институти ташкил этилди ва мазкур институт томонидан замонавий индустриал технологияларни қўллаган ҳолда барпо этиладиган кўп хонали уй-жойлар, машиный хизмат кўрсатиш объектларининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди...

лар ва ижтимоий объектлар қурилишнинг экспериментал лойиҳалари учун ер майдонлари ажратилиб, қурилиш ишларини амалга оширишга киришилди. Маълумки, қишлоқ қиёфаси ва инфраузелмасини тубдан ўзгартириш билан боғлиқ энг муҳим масалалардан бири — бу қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтиришдан иборат. Бу борадаги амалий ишлар ҳақида гапирар эканмиш, ўтган йилнинг ўзида мамлакатимизда бинокорлик материаллари ишлаб чиқарилган 30 дан зиёд корхона ташкил этилганини қайд этиш лозим. Айни пайтда ушбу корхоналар зарур қурилиш махсулотларини сифатли тайёрлаб, имтиёзли нархларда қурувчиларга ўз вақтида etkazиб бермоқда...

нинг иш ҳақини топиб бериш, ойлаб боқиш... Бу ёқда эса гоҳ цемент, гоҳ кўм, гоҳ ёғоч-тахта, гишт ва шифер, гоҳ эшик-дераза, бўёқ ва пардозлаш материалларидан тортиб, арзимасдай туоладиган оддий миқни ҳам қидириб туриш, тошганда ҳам албатта устама ҳақини бериш ва бу ашёларни қурилиш жойигача ташиб келтириш учун транспорт харажатларини кўтариш... Тинчани қуриётганда бундай овор-рағарчиликлар ҳақида узоқ гапириб бўлмайди. Қисқа қилиб айтганда, уй қуриш ташвиши бошланганда ушбу муаммоларни миридан-сиригача яхши тасаввур қилади...

з ал жиҳатларини эътироф этган ҳолда, ушбу лойиҳаларни янада такомиллаштириш юзасидан ўзининг амалий фикр-мулоҳазалари, тақлиф ва тавсияларини билдирди. Ўтган қисқа вақт мобайнида бу муҳим масала Президент ҳузурида бўлиб ўтган йиғилишларда шу ишга бевосита aloқадор мутахассис ва раҳбарлар, архитекторлар, лойиҳачи ва қурувчилар, бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг мутасаддилари иштирок этиб бераётган бўлиб, муҳкама қилиниб, намунавий лойиҳалар хар томонлама сиқилиб таҳлил қилинди. Жумладан, Юртбошимиз томонидан мавжуд лойиҳалар табиий омиллар — шамол йўналиши, қуёш нурунини тушуши каби муҳим иморатсозлик талабларини етарлича инобатга олмасдан режалаштирилгани, улар юртимиз ҳудудларида ўзига хос маҳаллий анъаналари ва табиий иқлим шароитини пухта ўрганимасдан тайёрлангани туфайли айрим хоналар бир-бирига нисбатан ноқулай жойлаштирилгани, шифти бироз паст, болалар хонаси, мехмонхона, дахлиз ва зиналар, ванна-хоналар тор бўлиб қолганига эътибор қаратилди...

Маълумки, ота-боболаримиз азалдан иморат қурилишида қатъий тартиб-режага амал қилишган, меъмор ва усталари миз етти ўлчаб бир кесишган, деб таъкидлади Юртбошимиз муҳоама жараёнида. Хусусан, уйдаги дам оладиган, ухлайдиган хоналарнинг кўздан пана бўлишига aloқида аҳамият беришган. Оиладаги аёлларнинг рўзгор юмушлари билан шугулланиши, чақалоқни парвариш қилиши, ҳордиқ чиқариши учун, кексалар ва болалар учун ҳам ўзига хос қулайлик яратишга интилишган.

ча ҳозирнинг ўзидеяқ амалий ишлар бошлаб юборилди. Аввало, Президентимизнинг «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ хусусий уй-жойларнинг намунавий лойиҳаларида жиҳдий ўзгариш ва туризатинг киритилди. Жумладан, қишлоқ жойларда хар бир иморат қурувчига шу пайтгача ажратиб келинаётган 4 сотих ўрнига бундан буён 6 сотих ҳажмида ер участкаси ажратиш белгиланди. Бу, ўз навбатида, янги уйларнинг янада кўркам қиёфа ва қулай шaroитга эга бўлиши учун қўшимча имкониятлар тўғрисида бериши шубҳасиз...

Лойиҳалар муҳокамасида сиртдан қараганда арзимасдек туоладиган, лекин қундалиқ ҳаётимизда катта аҳамиятга эга бўлган мана шундай масалалар ҳақида сўз юритор экан, Президентимиз янги уй-жойларни шарқона усулда, халқимизнинг миллий ҳаёт тарзи, табиий иқлим шарoити, шу билан бирга, замонавий муҳоамаслик коммуникациялари билан уйғун ҳолда, баҳаво, ёруғ, кенг ва қулай қилиб барпо этиш зарурлигига aloқида урғу берди.

Нега деганда, бундай уйларга эга бўлиш учун инсон йиллар давомида пешона тери билан туллаган пулини сарфлайди. Энг муҳими, бу хонадонларда яхши ният билан неча ўн йиллар давомида бола-чақаси билан эмин-эркин ҳаёт кечирishingи, уни келгуси авлодига мерос қилиб қолдириши орзу қилади. Одамларнинг ана шундай ишончини унутишга, уни оқламасликка бизнинг асло ҳаққимиз йўқ, деди Юртбошимиз.

Таъкидлаш жоизки, бўлиб ўтган муҳокамалар якуни бўйича...

Албатта, қишлоқларимизга замонавий қиёфа бериш, уларнинг қўрқоқ кўрк қўиши, қишлоқ аҳолисининг уй-жой шарoитини яхшилаш йўлидаги бундай ишлар учун аввало маблағ керак. Бунинг учун эса узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини йўлга қўиши лозим. Шу мақсадда Президентимизнинг 2009 йил 30 мартдаги қарори асосида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки ташкил этилди ва ҳозирги вақтда у муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

Маня шундай режа асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши ва вилоят ҳокимлиқлари томонидан намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой...

Ёшлар тарбияси

хар биримиздан масъулият ва огоҳлиқни талаб этади

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига



Тарихга ахборот асри сифатида қираётган XXI асрнинг бошидан оламшумул кашфиёти ҳисобланган интернет ҳаётнинг барча жабҳаларини ўргинмақдай ўраб олди. Асосан овоз узатиш воситаси сифатида юзага келган уяли aloқа орқали эндиликда оддий тасвирдан ташқари видео тасвирлар, фильмларни қабул қилиш ва узатиш имконияти пайдо бўлмоқда.

«Ёшлар» каналида қатор тахлилий курсатувлар намойиш этилди. Биз бугун уяли телефондан ўсимирлар ва болаларнинг фойдаланишидаги айрим муаммолар ҳақида сўз юритмоқчимиз. Симсиз aloқа воситаларининг истеъмолга кириб келиши ота-оналар учун фарзандларини масофадан туриб назорат қилиш имкониятини берди. Бу — масаланинг бир томони. Иккинчи томондан, бу техник қулайлик ёшларнинг маънавий дунёсига, ахлоқ-одобига ва тарбиясига қандай таъсир кўрсатмоқда, уларнинг дунёқароши шаклланишида қандай «вазифани» ада этмоқда?

Ўсиб келаётган ёш авлод юртининг нафақат эртаси, балки бугунги кун қандай бўлишини ҳам белгилайди. Шу маънода, йигит-қизларнинг тарбияси ҳақида ҳақиқатан етук қилиб тарбиялаш давлатимиз сийвасининг устувор йўналишига ай...

ланган. Уларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан барқамол қилиб вояга etkazиш хар биримизнинг зиммасига ўзига хос масъулият юклайди. Шундан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партияимиз фракцияси кенг жамоатчилик, мутасадди вазирилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари, тиббиёт ходимлари ва психологлар иштирокида таълим муассасаларида уяли aloқа воситасидан фойдаланишни тартибга солиш масаласини муҳоама этиб, унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ташаббуси билан чиқди. Айтиш керакки, мобил aloқа воситасидан таълим муассасасида ёки дарс вақтида фойдаланиш, биринчидан, боланинг дарсга бўлган диққатини камайтиради. Натияжада, ўқувчининг фанларни ўзлаштириши, фикрлаш қобилияти сусаяди, шу билан бирга, ёнидаги тенгдошлари эътиборини ҳам чапгитади. Иккинчидан, улар беихтиёр ахборот олиш ва тарқатиш субъектига айланиб, ёшига номуносиб ишлар билан банд бўлади. Яъни жамиятдаги ўрни билан боғлиқ масъулиятни унутди. Замонавий техника янгилигини, биринчи навбатда, ҳою ҳавас туфайли фойдаланиш кўпроқ ўсимир ёшдаги ўғил-қизлар орасида оммалашганини инкор қилиб бўлмайди. Гоҳида ўйлаб қолсан-қизги, айрим ота-оналар фарзандига зарур ўқув қуроллари, дарслиқлар, бадий адабиётлар олиб беришга қунт қилмайди. Лекин, фарзандим ўз тенгдошларидан кам бўлмасин, керак бўлса, улар орасида ажралиб турсин, деган мақсадда турли функцияларни бажара оладиган қимматбаҳо уяли aloқа воситасини олиб беради. Қарабсизки, таълим-тарбия иккинчи даражали бўлиб қолади. Тиббиёт мутахассисларининг қайд этишича, уяли aloқа воситаси ёшларнинг нафақат маънавий оламига, балки саломатли...

ига ҳам жуда катта салбий таъсир этади. Энг хавфлиси, уяли aloқа воситасидаги турли ўйинлар, видео-фото тасвирлар ўқувчи руҳияти, маънавиятига жиҳдий таҳдид солади. Айниқса, интернет тармоғига улаиши имкониятига эга мобил aloқа воситаси ёшларни турли номақбул ҳаттиҳаракатларга ундамоқда. Бу — жиҳдий масала. «Оммавий маданият» ташиқлотчилари уяли aloқа воситасида ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётганидан қўз юмиб бўлмайди. Бу — улар учун қулай имконият. Табиийки, ўз манфаатидан келиб чиқиб, улар болаларимиз тарбиясини бузишда давом этапти. Лекин биз, ота-оналар фарзандларимиз тақдирига масъулимиз. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни гўзал ҳуқуқли инсонлар этиб тарбиялаш барчамизнинг вазифамиздир. Мамлакатимизнинг эртанги кунни бўлган барқамол авлод тарбияси ҳақида гамаўхирлик қилиш хар биримизнинг, маҳалла ва таълими даргоҳларининг, умуман, шу юртининг гуллаб-яшнаши, тараққий топишидан манфаатдор бўлган хар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Фракцияимиз ҳам кўпчиликининг фикри ва ривожланган мамлакатлар таърихидаги муассалар билан нисобатини хар томонлама ўрганиш, таълим муассасаларида уяли aloқа воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш масаласини илгари сурмоқда. Ноҳид ЖУМАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Маънавият масалалари давлатимиз раҳбарининг «Юскак маънавият — энгилмас куч» асарида изчил таҳлил этилган. Ана шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида бўлиб ўтган «Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари» республика илмий-амалий семинарининг навбатдаги йиғилишида юскак маънавиятнинг шакллантириш масалалари бўйича жамоатчилик фикрини ўрганишнинг методологик асослари тақдиқ этилди.

Маънавият соҳасида жамоатчилик фикри давр талаблари асосида ўрганилиши зарур

Тақдир Фанлар академияси, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, ЎзРФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда етакчи социолог олимлар, тарихчилар, файласуфлар, иқтисодчилар ҳамда сийвий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим муассасалари, шунингдек, бошқа давлат ва жамоат ташиқлотлари вакиллари иштирок этишди. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази директори, академик Раъно Убайдуллаеванинг таъкидлашича, маънавият ва ахлоқ соҳасида жамоатчилик фикрини ўрганиш муаммоларини муҳоама қилиш, келгусида бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади. — Марказимиз мамлакатимизнинг турли ҳудудлари, маҳаллалари, ўқув муассасаларида, ташиқлот ва ишлаб чиқариш корхоналарида қатор социологик сўровлар ўтказиб келмоқда, — деди «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази...

зи бош илмий ходими, фалсафа фанлари доктори, профессор Тошпўлат Ташланов. — Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ташиқлот олаётган ёшлар орасида ўтказилган социологик сўровлар натижалари шунини кўрсатдики, маънавият борасида барча ижтимоий институтларнинг ўрни ва мавқеи муҳим аҳамият касб этади. Шахс маънавиятини шакллантиришда, аввало, оила ва маҳалла, жамоатчилик, қолаверса, хар биримиз масъулимиз. Ўтган 2009 йили олий ўқув юртларида сўров ўтказилиб «Юскак маънавият — энгилмас куч» асарини талабалар қанчалик даражада ўқиб ўзлаштирилганини, таълими муассасаларида маънавиятини шакллантиришда ижтимоий институтлар роли масаласи ўрганилди. Олинган натижага кўра, шахс маънавиятининг шаклланишида оиланинг роли муҳим деб хисоблай...

(ЎзА)

Ишонч кўприклари

муस्ताҳкам бўлиши нимага боғлиқ?

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши Ахборот-ресурс марказида «Электрот манфаатларини ҳимоя қилишда депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш» мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда партия шахар ва туман кенгашлари масъул ходимлари, депутатлар, «Фаол аёллар» ҳамда «Истиқбол» ёшлар қанотлари етакчилари иштирок этди.

Семинар аввалида Қашқадарё вилоят партия кенгаши раиси Олим Равшанов депутатларнинг ўз ваколатларидан кенг фойдаланиши, партия ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш каби долзарб вазифаларга алоҳида ургу берди.

Ўз ХДП туман кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Сайёра Қобилова ижтимоий-сиёсий фаолликни ошириш, энг аввало, аҳолининг муайян меҳнат фаолияти, бандлиги билан белгиланишини таъкидлаб, туманда мавжуд имконият ва ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда янги иш ўринлари яратиш бўйича тегишли лойиҳалар кўриб чиқилаётганини маълум қилди.

— Бу ишларни давом эттириш ниҳоятда зарур, — деди Олим Равшанов. — Айниқса, аёллар учун янги иш ўринлари яратиш ҳамisha эътиборда бўлиши керак. Чунки меҳнат билан бандлик ижтимоий ҳимоянинг энг зарур талабларидан бири ҳисобланади. 2010 йилда вилоятимизда 5210 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Жорий йилнинг ўтган даврида жами 2971 та, жумладан, аёллар учун 1477 та янги иш ўрни яратилди. Бу борада Президентимиз Фармонида белгиланган муҳим вазифалар биз учун дастуриламалдир. Шунинг ҳам айтиш кераки, Қарши шаҳри, Косон, Муборак туманларидаги айрим йирик корхоналарда янги иш ўрни яратиш режаси тўлиқ бажарилмай қолди. Бу масала билан депутатларимиз шуғулланиши, ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда ҳокимлик ва мутасаддиларнинг эътиборини ушбу долзарб муаммага қаратиши лозим. Бандлик масаласи замирида электрот ман-

фаатлари борлигини унутмаслик керак.

— Ишимизда ютуқлар билан бирга, камчиликлар борлиги тўғри, — дейди Қасби туман партия кенгаши раиси, туман кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Абдуали Холов. — Туман кенгашида 18 нафар депутатимиз фаолият кўрсатмоқда. Сессияларга турли масалалар бўйича тайёрланаямиз, депутатлик сўрвалари билан чиқилаяпти. Шундай масалалар борки, узоқ вақт ўрганиши, таҳлил қилиши талаб этади. Депутатлик гуруҳининг тақлифи асосида улар маҳаллий Кенгаш сессиясида муҳокама этилиши зарур.

ЎзХДП вилоят кенгаши раиси ўринбосари Музаффар Туропов электрот таъминоти тизимидаги хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масаласига эътибор қаратди.

Халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши депутати Озод Умиров фуқаролик маърифатининг асосий омилларидан бўлган истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқи кафолати, қолаверса, ҳимояси билан боғлиқ коммунал хизмат кўрсатишга оид масалани депутатлик ваколати доирасида ўрганиб, маҳаллий ҳокимият ва тегишли ташкилотларга жиддий муносабат қилиш кераклигини таъкидлади.

Депутатлар ва партия фаоллари иши билан электрот мақсад-манфаатлари орасидаги муштаракликни таъминловчи кўприкни осонликча мустаҳкамлаб бўлмайди. Бу борада фуқаролик маърифатининг юксалиши, тинимсиз изланиш ва ташаббус кўрсатиш жуда муҳим.

Юнус УЗОКОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Боланинг бахт ошени...

Тадбир ■ Жамиятимизда оналик ва болаликни муҳофазалаш, шунингдек, ҳар бир боланинг комил инсон бўлиб улгайиши масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ёш авлод тарбияси, уларни маънавий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган эзгу ишларда нодавлат ташкилот, марказ ва жамғармаларнинг ўз ўрни бор. Айниқса, уларнинг боқувчисини йўқотган, етим қолган болаларни оила бағрида улгайиши учун амалга ошираётган саъй-ҳаракатини таъкидлаш ўринли.

Яқинда Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг «Ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи қишлоқ қарамоғисиз қолган болаларнинг ижтимоийлашуви ва ҳуқуқлари ҳимояси муаммосини ўрганиш» бўлими «Янги тутилган чақалоқлардан воз кечиниши психоижтимоий профилактикаси» мавзусига бағишланган давра суҳбати ўтказди.

Давра суҳбатида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика иxtисослаштирилган илмий-амалий педиатрия маркази, акушерлик ва гинекология маркази, «Маҳалла» жамғармасининг вилоят ва шаҳар бўлимлари, олим ва мутахассислар иштирок этди. Маърузачилар туғилган

чақалогидан воз кечмоқчи бўлаётган оналар билан психоижтимоий суҳбатлар олиб бориш, уни шундай холатга олиб келувчи сабаблар, шунингдек, соҳада хорижий давлатларда тўпланган тажрибалар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

— Яқинда Украина давлатининг Чернигов вилоятида ижтимоий сафарда бўлдим, — деди ўз сўзида марказнинг етакчи мутахассиси Саломат Тожиева. — Она ва болани ижтимоий ҳимоялаш марказидаги тажрибаларни ўргандим. Дунёнинг ривожланган давлатларида ҳам бу муаммо бор. Мутахассис сўзида, болажон халқимизнинг ўлмас қадриятларидан ўрганса арзийдиган жиҳатлар жуда кўп эканини таъкидламоқчиман. Яратилган ҳамма шароитлар ҳам гўдакка оила меҳрини бера олмайди. Бахтли болаликни улар онанинг бағридан топадилар.

Дарҳақиқат, гарчи аччиқ бўлса-да, айтиш керак, аёллар орасида баъзан менталитетимизга хос бўлган тортиноқлик, исталмаган ҳомиланинг олдини

олиш борасида тиббий савиянинг пастлиги оқибатида айрим оналарнинг чақалогидан воз кечмоқчи номақбул хатти-ҳаракатлар учраб турибди.

— Шундай кезлар улгарга, айниқса, ёш оналарга руҳий мадад ва психологик маслаҳат зарур, — деди Республика иxtисослаштирилган илмий-амалий педиатрия маркази бўлим мудири Гулнора Халилова. — Аёллар исталмаган ҳомилани яшириши оқибатида она шундай кўнгилсиз воқеа рўй берапти. Жойларда маҳалла, оила ва аёллар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини янада жонлантиришни долзарб вазифага айлантирмоғимиз керак. Ота-сниси тирик бўла туриб, етим қолаётган бола руҳий тушунлиқни бошидан кечиради. Бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Янги туғилган чақалоқнинг дунёга жар солиб «инга-инга»лашида: «Мен дунёга бахт истаб келдим!» — деган бир нидо яшин. Уни бахт ва саодат ошенидан айирмайлик.

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Хорижда

Ҳаво кенгликларидан ўқиш тақиқланди



■ **Авиация хавфсизлиги бўйича** Европа қўмитаси Эроннинг «Iran Air» авиакомпанияси авиалайнерларининг учдан икки қисми Европа Иттифоқи ҳаво кенгликларидан парвоз қилишини тақиқлади.

Еврокомиссия вакили Хелен Керннинг айтишича, дейлади «Новости» АА хабариди, авиакомпания самолётларининг икки қисми жорий йилнинг март ойидаёқ «қора рўйхат»га киритилиб, ишонсиз ҳаво транспорти сифатида қайд этилган эди. Шунинг учун ҳам уларнинг Европа осмонида ўқиш тўхтатилди.

«Бу хавфсизлик талаблари назорати бўлиб, бу ерда бирор-бир сиёсий мақсад йўқ» деди Кернс журналистларга берган интервьюсида.

Аммо интернетда яна бир хабарда баён этилишича, Буюк Британия, Германия ва Бирлашган Араб Амирикларидаги аэропортлар маъмуриятлари Эрондан ўқиб келган самолётларни ёниги билан таъминлашлари билдирган. Бу гап расмий Вашингтон Эроннинг ядро дастурига қарши бир томонлама санкция қўллагандан сўнг юзага келди.

Маълумки, жорий йилнинг 9 июнида БМТ Хавфсизлик Кенгаши ҳам Эроннинг ядро дастурига нисбатан қўйилган наватдаги (туртинчи) санкцияни жорий этган.

Эрон авиакомпаниялари ассоциацияси вакили Махди Алиёрийнинг айтишича, эндиликда Эрон самолётлари юқорида санаб ўтилган давлатларга ёниги захираси билан парвоз қилишига тўғри келади.

Дароқе, Германия ҳукумати Эрон самолётларини Германия аэропортларида «запровка» қилиш тўхтатилганлиги тўғрисидаги гаплар асосиди эканлиги, бу гаплар уйдирмадан бошқа нарса эмаслиги ҳақида баёнот берди.

Қурғоқчиликдан кўрилган зарар

430 миллион рубдан ортиб кетди

■ Россия Федерацияси Фавқуллода вазиятлар вазирлиги бош бошқармасининг матбуот хизмати маълум қилишича, Ульяновск областида қурғоқчилик ҳукм сурмоқда. Қуни кеча табиатнинг айнан шу офати боис фавқуллода ҳолат эълон қилинди.



Экинзорлар қуриб кетганлиги сабабли шу кунгача 158 миң тоннадан ортиқ дон ҳосили нобуд бўлди. ИТАР-ТАСС ахбороти га кўра, бу йил 1,2 миллион тонна дон ҳосили олиш мўлжалланмоқда эди, аммо энди бу кўрсаткич 464 миң тоннадан ортмаслиги аниқ бўлиб қолди.

Умуман, улқанда юзага келган қурғоқчиликдан кўрилган зарар 430 миллион рубдан ортиб кетди.

Айни дамда аҳолига ичимлик суви етишмаслиги ҳам муаммолар қамровини кенгайтириб юбормоқда. Шу боис транспорт ёрдамида ичимлик суви етказиб бериш масаласи область маъмурияти диққат марказида турибди.

Айнан бундай қурғоқчилик Челябинск ва Бошқирдистонда ҳам кузатилаётган. Ём-хашағу экинзорлар қуриб кетмоқда. Челябинск ва Бошқирдистон маъмуриятлари қўшни Свердловск области маъмуриятига ёрдам сўраб мурожаат этди. Свердловск маъмурияти чорва ўчи ем-хашақни область ҳудудидан ўриб олиб кетишларига рухсат берди.

«Росгидромет» огоҳлантиришича, Москвада яна бир неча кун ҳаво ҳарорати энг юқори даражада сақланиб туради, яъни 39 даражага чиқади.

«Интерфакс» АА хабарига қараганда, салқин ичимликлар савдоси рекорд даражасига чиқди. Июнь ойида квас савдоси май ойидидаги кўрсаткичга нисбатан 5 баравар, сувлар — 3 баравар, морслар эса 2 бараварга ортган.


«УНИАН» АА хабарига қараганда, Россияга қўшни Украинанинг Одесса областида эса неча кундирки, ёмғир тинимсиз ёғаётганлиги боис Дунай дарёси ўзанидан қиқиб, сув тошқинларини юзага келтирмоқда. Рени порти сув остида қолди.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари тахририяти жамоаси газета ходими, фахрий журналист

Юнус ЗИЁДУЛЛОВнинг вафоти муносабати билан нархунининг оила аъзолари ҳамда қариндош-уруғларига чўқур таъзия изҳор этади.

Дастурхони тўқин эл

Қут-барака кўзгуси ■ Мамлакатимизда бозорларни тартибга келтириш, замонавий, расталар қуриш, энг муҳими, сотувчи ва харидорлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда юртимизнинг чекка туманларида ҳам замонавий бозорлар қад ростламоқда.



Масалан, Китоб деҳқон бозори тўқин-сочинлиги, файзу бозори билан воҳода машҳур. Шу боис бозор одамлар билан ҳар доим гавжум. Расталардаги қуруқ ва ҳўл мевалар тартиб билан жойлаштирилган. Бир томонда картошка, пийёз, сабзавот ва кўкатлар. Бошқа томонда турли сара маҳсулотлар. Ўз маҳсулотининг таърифун тавсифини келтириб савдо қилаётган деҳқонларни айтмай-сизми... Улар ҳақиқий деҳқон. Шу боис харидорларни алдамайди. Савдосига талашса талашадик, тошу тарозидан уриб, харидор ҳақида хиёнат қилмайди. Оқибатда харидор ҳам бозордан мамнун бўлиб чиқади. Дарҳақиқат, инсоф-диёнат бор жойдан барака аримайди.

— Бозор табаррук жой. Ҳар бир келиб кетувчи билан муомала қилишнинг ўзи бўлмайди, — дейди сотувчи деҳқон Жамила Очилова. — Расталаримизни қаранг, қадокўл деҳқонларимизнинг ҳалол меҳнатлари эвазига етиштирилган, нозу неъматлар билан тўлиб турибди. Харидор бирор нарса харид қилмоқчи бўлса, камида тўртта, бешта сотувчидан сўраб, кейин маҳсулот олади. Чунки бозоримизда танлаш имконияти катта. Шунинг учун ҳар бир сотувчи ёнидаги шериғидан бир сўм бўлса ҳам арзон сотади. Бозорнинг талаби шундай: кимнинг маҳ-

сулоти сифатли ва арзон бўлса харидор ўшани олади. Харидор ҳам олган нарсасидан барака топса алқайди, дуо қилади. Шунда бизнинг ҳам топган-тутганимизда барака бўлади.

— Умумий ер майдонимиз 3,5 гектарни ташкил этади, — дейди Китоб деҳқон бозори МЧЖ раиси Сами Курбанов. — Бозорни ривожлантириш ва ишни талаб даражасида ташкил этиш доимо диққат эътиборимизда. Сотувчи ва харидорларга янада қулай-шароитлар яратишга ҳаракат қилаёямиз. Бу борада бир қанча ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Ушбу қарорлар асосида бизнинг бозоримизда ҳам таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Қисқа вақт ичида 38 ўринли гўшт ва гўшт маҳсулотлари, 30 ўринли сут ва сут маҳсулотлари учун барча қулайликларга эга бўлган замонавий павильонлар қуриб ишга туширилди. Ушбу павильонларга 30 донга совутигун ўрнатилди. Савдо расталари қайта таъмирланди, мрамар плиталар билан қопланди. Йўлақларга брусчаткалар ўрнатилди. 150 ўринли растанинг тепасига айвон ўрнатилди, таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

— Бозорда яратилган замонавий ва қулай шароитдан, нарх-наводан хурсандимиз, — дейди харидор Ахмал Шодиёв. — Буларнинг барчаси

мустақиллигимиз шарофатидир.

Бозорда давлат ветеринария лабораториясига алоҳида хоналар ажратиб берилган ва малакали мутахассислар билан таъминланган. Ахир одамлар сифатли маҳсулотлар истеъмол қилиши керак. Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ҳар қуни лаборатория таҳлилидан ўтказиб борилади. Бозор ҳудудида туман давлат солиқ инспекциясининг бозорлар фаолиятини назорат қилиш бўйича таянч пункти, ДСЭНМ ходимлари учун алоҳида таянч хонаси, ички ишлар бўлими профилактика нозирининг хоналари мавжуд бўлиб, улар бозордаги аҳолини доимий равишда назорат қилиб туради-


лар. Мавжуд тарозилардан бозорга келган ҳар бир деҳқон бемалол фойдаланиш имкониятига эга. Уларнинг эканлиги тўғри ёки нотўғри эканлиги бирорта харидор шубҳа қилса, шундоқгина бозорнинг қоқ ўртасида назорат тарозиси турибди. Хоҳлаган одам ўз харидини шу захотиёқ тортиб кўриши мумкин.

Бозор атрофида 200 га яқин доимий савдо дўконлари, 20 га яқин чойхона, новвойхона, омборхона, банк бўлими ҳамда бир қанча маиший хизмат кўрсатиш масканлари жойлаштирилганлиги харидорлар учун қулайликлар туғдирмоқда.

Абдураул ПАРДА

Болалар спорти ■

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ҳамда санъат мактабларини қуриш ва капитал реконструкция қилишнинг манзилли дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига асосан ўтган йили биргина Сурхондарё вилоятида 18 та спорт иншооти бунёд этилди.



Спорт-соғломлаштириш мажмуалари

фаолияти самарадорлигини ошириш шу куннинг муҳим вазифасидир



— Термиз шаҳридаги сузиш ҳавзаси фарзандларимизнинг сеvimли масканига айланган, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Сурхондарё вилоят филиали ижрочи директори Дилмурод Маматов. — Бу ерда юзлаб ўғил-қизларимиз сув спорти билан шуғулланмоқда. Шунингдек, 17 та умумтаълим мактабидан спорт заллари қурилди ёки реконструкция қилинди. Бунёдкорлик ишларига республика жамғармаси томонидан 2 миллиард 551 миллион сўм йўналтирилган бўлса, 465 миллион сўмдан ортик маблағ филиалимиз ҳисобидан сарфланди. Қурилган иншоотлар 210 миллион сўмлик спорт ускуналари ва анжомлар билан жиҳозланди. Кам таъминланган, кўп болали ва ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларнинг 2 минг 540 нафар фарзандига 155,1 миллион сўмлик спорт кийимлари тарқатилди.

мингдан ортик ёшлар қатнашди. 2005 йилдан буён ёзги таътил даврида оромгоҳларга жалб қилинмаган ёшларни бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида жойларда «Ёзги таътил» спорт мусобақаларини ўтказиш анъанага айланган. 2008 йилда шу каби қизиқарли ва мароқли учрашувларда 60 мингдан ортик ёшлар иштирок этган бўлса, ўтган йили унга 84 мингга яқин келажакимиз эгалари жалб қилинди. Уларнинг 34 мингга яқинини қизлар ташкил этди. Жорий йилда ушбу мусобақаларга янада кўпроқ ўқувчи-ёшларни жалб этиш режалаштирилган.

Баркамол авлод йилда ҳам вилоятимизда кенг қўламли ишлар амалга оширилади. Жамғарманинг манзилли дастурига асосан Термиз туманида мусиқа ва санъат мактаби янгитдан қурилса, Қумқўрғон ҳамда Термиз шаҳридаги 2-сон мусиқа ва санъат мактаби, «Алпомиш» кураш мажмуалари қайта таъмирланади. Шўрчи туманидаги 10-Жарқўрғон туманидаги 12-умумтаълим мактабларида янги спорт зал-

лари бунёд этилади. Вилоят марказидаги «Дельфин» ва бошқа сузиш ҳавзалари реконструкция қилинади. Айни кунгача мазкур қурилиш ишларига жамғарма томонидан қарий 3,5 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланган. Манзилли дастурга киририлган қурилишларнинг барчаси ўз вақтида фойдаланишга топширилади. — Президентимиз томонидан биз ёшларга яратиб берилган шароитлардан унумли фойдаланишимиз лозим, — дейди шохмат бўйича халқаро турнирлар иштирокчиси Райхона Дониёрова. — Ўзим қишлоқда яшайман. Бугун қишлоқларда ҳам кўркам мажмуалари қайта таъмирланади. Шўрчи туманидаги 10-Жарқўрғон туманидаги 12-умумтаълим мактабларида янги спорт зал-

2005 йилдан буён

ёзги таътил даврида оромгоҳларга жалб қилинмаган болаларни бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида жойларда «Ёзги таътил» спорт мусобақаларини ўтказиш анъанага айланган. 2008 йилда шу каби қизиқарли ва мароқли учрашувларда 60 мингдан ортик ўғил-қиз иштирок этган бўлса, ўтган йили уларнинг сони 84 минг нафарга етди. Жорий йилда ушбу мусобақаларга янада кўпроқ ўқувчи-ёшларни жалб этиш режалаштирилган.



Жиноятга жазо муқаррар ■

«Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги Ш.Рашидов кўчасида истиқомат қилувчи аммасиникига ҳўжалик ишларида қарашли учун келган Бахит ўша куни, яъни 7 мартда ҳам ҳовлидаги ишлардан бўшамади: дов-дарахларнинг ортиқча шохларини кесди, помидор ва бодиринг учун ҳўжак олди, сув келадиган ариқни хас-чўпдан тозалади.

ЖАҲОЛАТ ёки ичкиликбозликнинг мудҳиш оқибати хусусида

Кечга яқин дарвоза тақиллади. Бориб очса, Оқ олтин туманида яшайдиган Турсунбой амакиси экан. Кучоқ очиб кўришдилар, ҳол-аҳвол сўрашдилар. Амакининг кайфи борга ўхшади. Бир пас ўтириб, бир пиёладан чой ҳам ичилди. Сўнг амаки бозорга бориб келишни таклиф қилди. У бозордан 3 килограмм гўшт, бир шиса ароқ, иккита ярим литрлик елим идишда «Сарбаст» пивоси харид қилди. Овқат пишгунча ароқни «майдалаб» ичиб қўйишди. Шу орада уй эгаси Нурберген турмуш ўртоғи Айнур билан кўшнисиникига, туғилган кунга, деб чўкиб кетишди. Уйда Турсунбой билан Бахитжон қолди. Овқатланиш чоғида пивохўрлик бошланди.

Энди амакининг кайфи ошиб, уқанинг гапларидан, қилиқларидан, хатти-ҳаракатидан «айб» қидиришга тушди. Ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ,

деди. Тил бесуяқ эмасми, оғзидан боди кириб, шоди чиқди. Кетма-кет ёғилаётган сўкинишлар, ҳадсиз-ҳисобсиз ҳақоратлар охир-оқибат уқанинг сабр касасини тўлдирди, бардошини синдирди.

Бахит: «Юринг, ташқарида гаплашамиз», деб амакисини ҳовлига етаклади. Ҳовлида ҳам ҳақоратлар тўхтамади. Бу орада кўшнисиникидан қайтган Нурберген ҳовлида амаки ва ука ўртасида бақир-чақирни кўриб, довдираб қолди. Нима гаплигини суриштирмоқчи бўлганда Турсунбой қара-валтаганича унга ташланди. Ҳеч нарсадан хабарсиз Нурберген, амакисининг ваҳожатидан ҳам чўчиб, ҳам ғазабланиб турган Бахит қочибга мажбур бўлишди. Кай-

фи тараф Турсунбой эса уларни кўра туриб, оёғи ариқчага тушиб кетди ва юз тубан йиғилди. Буни кўриб турган Бахит ўзини тутолмади ва ҳаммом ёнида ётган ёлпани олиб, амакисининг бош қисмига икки марта зарб билан урди. Қарасаки, амакиси ҳушидан кетиб, хириллаб ётибди. Кўрқиб кетган Бахит шифокор чақиртирди. Афсуски, шифокор етиб келганида вақт ўтган, фурсат бой берилган, амакининг жони узилган эди.

— Оилада 8 фарзанд эдик, — дейди марҳумнинг опаси Жонос Алиева. — Мен тўнғичман, Турсунбой энг кичимиз. Нимагадир укам ичкиликка берилди. Ҳар доим ароқ ёки пиво ичиб юрадиган бўлиб қолди. Уни бу йўлдан қайтаришга кўп уриндик. Фойдаси бўлмади. Бу орада ишдан айрилди. Ўша куни ҳам у спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда бизникига келган экан. Мен Қозоғистонда яшаётган ўғлимникига кетгандим. Шу фалокат юз берибди. Бириси укам, бириси укамнинг

ўғли. Нима ҳам дердим? Ҳаммасига қасофат ароқ сабабчи.

— Турсунбойим саккиз боламнинг энг кичиги эди, — дейди Сауле Алиева. — Эртага байрам деган куни уйдаги 2 бош қўйни сотиб, опаси Жоносни табриклар келиш учун кетганди-я, бояқиш. Эртасига жасадини олиб келишди. Айт, нима қилай? Бириси ўғлим, иккинчиси неварам. Бармоғимнинг буниси тишласам ҳам оғрийди, унисини тишласам ҳам оғрийди, тез-тез ичиб турарди.

Бу фожиа сабаби кишини қаттиқ ўйга толдиради. Ичкиликбозлик ҳеч қачон яхшилик келтирмаслигига яна бир бор амин бўласан. Бунинг устига жиянинг энгилтақлиги, ўз хатти-ҳаракати оқибатини ўйламагани оғир жиноятни келтириб чиқарди.

Махфират АБДАЗОВА, Жиноят ишлари бўйича Мирзачўл туман суди раиси, Иброҳим ЖОЌУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.



Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Саккизинчи жаҳон чемпиони

Жанубий Африка Республикаси яшил майдонларида бир ой давом этган XIX жаҳон чемпионати ниҳоясига етди. Дунёнинг ўттиз икки терма жамоаси иштирок этган ушбу нуфузли мусобақада Испания футболчилари илк марта Жаҳон кубогини қўлга киритди.

Мазкур учрашуви бошқариб бориш англиялик ҳакам Ховард Уэбга ишониб топширилди. Ўттиз саккиз ёшли мутахассис 120 дақиқа давом этган ўйин мобайнида футболчиларга ўн тўрт марта сариқ ва бир бор қизил карточка кўрсатиб, жаҳон чемпионати финал баҳсидаги рекордди янгилади. Бунгача энг юқори кўрсаткич 1986 йилги жаҳон чемпионати финалида қайд этилган. Ушундан бразилиялик ҳакам Ромуальд Арпи Фильо Германия — Аргентина терма жамоалари учрашувида чўнтагидан олти сариқ карточка чиқарган эди. Биринчи бўлимининг ўн уч дақиқасида ҳакам Ховард Уэбб беш марта сариқ карточка кўрсатганининг ўзи учрашув нақадар шиддатли кечганлигини тасдиқлаб турибди.

Мусобақа яқунлангач, ФИФА жаҳон чемпионатининг номинация голиблари номи эълон қилди. Унга кўра, Мадриднинг «Атлетико» (Испания) ва Уругвай терма жамоалари ҳужумчиси Диего Форлан 2010 йилги жаҳон чемпионатининг «Энг яхши ўйинчиси» деб топилди. «Олтин бутса» соврини мусобақанинг тўпурақлари қаторидан жой олган германиялик Томас Мюллерга насиб қилди. У чемпионат давомида бешта тўп киритган ва учта голга ҳаммуаллифлик қилган. Шунингдек, у жаҳон чемпионатининг «Энг ёш ўйинчиси» номинациясида ҳам голибликни қўлга киритди. «Олтин қўлқоп» соврини Испания терма жамоаси дарвозабони Икер Касильяса топширилди. У мусобақанинг плей-офф баҳсларида ўз дарвозасидан бирорта ҳам тўп ўтказиб юбормади.

Навбатдаги жаҳон чемпионати 2014 йили Бразилияда бўлиб ўтади.

Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Table with editorial board members: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV; TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, G'affor HOTAMOV, Muslihidin MUHIDDINOV, Andrey KUSTOV, Ochalboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV; MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI; BO'LIMLAR: Partiya hayoti, Madaniyat va sport, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot, Reklama va e'lonlar, Mas'ul kotib.

Table with regional offices: VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Denovda.

Table with contact information: MANZILIMIZ: 100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. Navbatchi: Alisher RO'ZIEV. Sahifalovchi-dasturatchi: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV. «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etildi. Korxonalar: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Table with publication details: Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta sesbanba, poyshanba va shanba kuntari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. T - 649. 8241 nusxada bosildi. T - Tijorat materiallari. ISSN 2010-7633. O'za yakuni - 22.40. Topshirilgan vaqti - 23.55. 1 2 3 4 5. Sofuvda erkin narxda.

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ. Сиз учун диққатга лойиқ «МЎЪЖИЗА» омонатини таклиф этади. Омонатга маблағлар банкнинг барча муассасалари томонидан 6 ой муддатта йиллик 16 % миқдорда даромадлари билан бирга, омонатдаги маблағлар белгиланган муддат давомида сақлангандан сўнг, омонат қолдигига 4 % бонус тариқасида қўшимча даромад тўланади. ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИНГ! ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!